

**“КЕЛИШИЛДИ”**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги



И.У. Мажидов

« 9 » сентябрь 2020 й.

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
“Ташқи иқтисодий фаолият  
Миллий банки” АЖ  
Бошқаруви раиси



С.К. Мирсоатов

« 9 » сентябрь 2020 й.

**Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясига  
кўн босқичли танлов асосида иқтидорли талабаларни таълаб олиш тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк-молия соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 31 октябрдаги 4503-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 8 июндаги 365-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Низом Олий таълим муассасаларининг бакалаврият 3-курс иқтидорли талабаларини рақобатли танлов жараёнлари орқали Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясига (кейинги ўринларда – Академия) кейс-чемпионат, тест ва потенциал иш берувчилар билан суҳбатлар асосида танлаш шартлари, тартиби ва қоидаларини белгилайди.

**2-боб. Талабаларни ўқишини кўчиришнинг умумий қоидалари**

3. Академияга Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчиришда қуйидаги таълим йўналишларига рухсат этилади:

<b>Билим соҳаси:</b>	<b>200000</b>	– Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ
<b>Таълим соҳаси:</b>	<b>230000</b>	– Иқтисод
<b>Таълим йўналишлари:</b>	<b>5230100</b>	– Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
	<b>5230200</b>	– Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
	<b>5230300</b>	– Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
	<b>5230400</b>	– Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
	<b>5230500</b>	– Божхона иши (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
	<b>5230600</b>	– Молия
	<b>5230700</b>	– Банк иши
	<b>5230800</b>	– Солиқлар ва солиққа тортиш
	<b>5230900</b>	– Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)
	<b>5231000</b>	– Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича)

<b>5231100</b>	– Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар (минтақалар ва фаолият турлари бўйича)
<b>5231200</b>	– Суғурта иши
<b>5231300</b>	– Пенсия иши
<b>5231400</b>	– Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
<b>5231500</b>	– Баҳолаш иши
<b>5231600</b>	– Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси
<b>5231700</b>	– Кадрлар менежменти
<b>5231800</b>	– Ижтимоий соҳа ва инсон ресурслари менежменти

4. Академияга ўқишини кўчириш истагидаги талабалар (кейинги ўринларда номзодлар) - ўзлари ўқиб турган Олий таълим муассасасининг 2-курсини тамомлаган бўлиши ва “академик” қарздор бўлмаслиги лозим.

4.1. Алоҳида ҳолларда Академияга ўқишини кўчириш истагидаги Олий таълим муассасасининг 3-курсини тамомлаган, “академик” қарздор бўлмаган ва 4-курсига ўтказилган талабалари иштирок этишлари мумкин. Бунинг учун номзоднинг ҳамда ота-онасининг (боқувчисининг) ёзма шаклдаги розилиги олинади.

5. Танловдан ўтган номзодлар Академияда 3-курсдан ўқишни давом эттиради.

6. Талабалар ўқишини кўчириш Академия қабул комиссияси (кейинги ўринларда Қабул комиссияси) қарори асосида амалга оширилади.

7. Номзодлар қуйидаги бакалаврият таълим йўналишларидан бирига топширишлари мумкин:

<b>Билим соҳаси:</b>	<b>200000</b>	– Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқук
<b>Таълим соҳаси:</b>	<b>230000</b>	– Иқтисод
<b>Таълим йўналишлари:</b>	<b>5230100</b>	– Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
	<b>5230200</b>	– Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
	<b>5230600</b>	– Молия
	<b>5230700</b>	– Банк иши
	<b>5230900</b>	– Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)

8. Қуйидаги ҳолатлар номзоднинг ўқишини кўчириш аризасига рад жавоби берилишига асос бўлади:

а) олий таълим муассасаларининг марказлари, бўлимлари, ўқув-маслаҳат пунктлари ва бошқаларда ўқиганларга;

б) иккинчи курснинг тўртинчи семестрида тугалланмаган ҳолатда ўқишни кўчиришга;

в) тўлов-контракт асосида тўловни белгиланган муддатда ва тўлик амалга оширмаганда;

г) талабанинг шахсий йиғма жилди белгиланган муддатларда тақдим этилмаганда;

д) сиртки (махсус сиртки) таълимдан кундузги таълимга;

е) кечки (сменали) таълимдан кундузги таълимга;

9. Академияга Олий таълим муассасалари талабаларининг ўқишини кўчириш бўйича аризаларни топшириш ва кўриб чиқиш 1 августдан 20 августга қадар амалга оширилади.

10. Ўқишини кўчириш истагини билдирган номзод қуйидаги ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этади:

а) кўчиришни истаган таълим йўналиши, ўқув тили ва шакли кўрсатилган ҳолдаги ариза (аризада ўқиган олий таълим муассасаси, таълим йўналиши ва таълим шакли кўрсатилади). Аризалар Академия веб-сайтида онлайн тарзда топширилади;

- б) талабанинг рейтинг дафтарчаси ёки белгиланган шаклдаги академик маълумотноманинг электрон нусхалари;
- в) паспортнинг электрон нусхаси.

### 3-боб. Талабаларни танлаб олиш тартиби

11. Ўқишни Академияга кўчириш истагидаги номзодлар кўп босқичли саралаш жараёнидан ўтадилар. Саралаш бириччи босқичи кейс-чемпионат шаклида ўтказилади. Кейс-чемпионат куйидаги тартибда ўтказилади:

- а) Биринчи босқичда иштирок этувчи номзодлар, Академия сайтида онлайн тарзда сўровнома тўлдиришади;
- б) Анкета сўровномасини тўлдирган номзодлар, ижтимоий тармоқда жойлашган гуруҳга ҳавола олишади ва мустақил равишда 5 кишидан иборат жамоаларни тузишади. Академия томонидан белгиланган Чемпионат маъмурияти номзодларга гуруҳларни ташкил қилишда ёрдам беради.
- в) Ташкил этилган жамоалар Академия томонидан тасдиқланган бизнес-кейсларга ўтиш ҳуқуқига эга бўлади. Жамоа бизнес-кейс танлаб мустақил равишда 7 кун ичида маълумотларни тўплайди ва таҳлил қилади, ечим ишлаб чиқади ҳамда ўз ечимининг видео тақдимотини тайёрлайди.
- г) Гуруҳларнинг видео-тақдимотлари мустақил экспертлар томонидан баҳоланади. Экспертлар таркиби Кадрлар буюртмачилари (потенциал иш берувчилар) вакиллари бўлиб Академия томонидан тасдиқланади. Баҳолаш натижаларига кўра, кейс-чемпионатининг ғолиблари аниқланади.
- д) Кейс-чемпионати ғолиблари Сертификатлар билан тақдирланадилар ва кейинги босқич – тест ва суҳбатдан ўтишга таклиф этилади.

12. Кейс-чемпионати ғолиблари Академияга кириш учун керакли параметрларни кўрсатган ҳолда номзод анкетасини тўлдиришлари керак (Академия веб-сайтида), шу жумладан:

- танланган мутахассислик;
- кўчирилаётган олий ўқув юрти;
- бошқа параметрлар (Академия талабларига мувофиқ).

13. Тестлар онлайн тарзда учта йўналишда ўтказилади:

- матн маълумотлари билан ишлаш;
- рақамли маълумотлар билан ишлаш;
- маълумотлар билан ишлашда хушёрлик.

Тест чет тилида ўтказилади, тест топширувчи инглиз ёки рус тилидан бирини танлаши мумкин.

Тест топширувчи қабул комиссиясидан олинган ҳаволадан фойдаланган ҳолда мустақил равишда синовдан ўтади. Тест топширувчи ва Қабул комиссияси тугалланган тест натижаларини тест ўтказувчидан автоматик тарзда олади.

Тест натижалари Академия веб-сайтида тестларни топширгандан кейин бир кун ичида оммага эълон қилинади. Натижада, учта йўналишдаги тестларнинг умумий миқдорига кўра тест топширган номзодларнинг рейтинги аниқланади.

Тест синовлари Қабул комиссияси томонидан белгиланган муддатларда яқунланиши керак. Тестни ўз вақтида топширмаганлар, сабабларидан катъий назар, кейинги босқичларга ўтказилмайди.

Қабул комиссияси, энг юқори эришилган кўрсаткични (учта йўналишдаги тестларнинг йиғиндисини) камида 50% баллни ўтиш балли деб тасдиқлайди ва тест

синовлари тугагандан сўнг, мутахассисликлар квоталари асосида, тестлардан муваффақиятли ўтган номзодларни (финал ғолиблари) рўйхатини тузади.

14. Финал ғолиблари Кадрлар буюртмачилари (потенциал иш берувчилар) вакилларида ишлашга таклиф, грантлар, стипендиялар ёки таълим кредитларини олиш мақсадида онлайн суҳбатдан ўтиш имкониятига эга бўладилар.

Суҳбат учун бир нечта Кадрлар буюртмачилари томонидан битта финал ғолиби суҳбат учун танланиши мумкин.

Иш берувчини танлаш бўйича якуний қарор финал ғолиби томонидан (аризасига асосан), суҳбат даври тугаганидан кейин уч кун ичида Қабул комиссияси томонидан тасдиқланган жадвалга мувофиқ амалга оширилади.

Финалчи иш берувчиларнинг таклифларидан воз кечишга ва мустақил равишда ёки бошқа манбалар ҳисобидан ўқишни молиялаштиришга ҳақли. Ўқишни мустақил равишда ёки бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирмакчи бўлган танлов ғолиблари Академия томонидан белгиланган тартибда контракт нарҳини тўлаш мажбуриятини қабул қиладилар.

Белгиланган квота доирасида Академия ректорининг қарорига мувофиқ финал ғолиблари сафидан иқтидорли номзодлар грант асосида ўқишга қабул қилинади.

15. Танлов натижаларига кўра қабулнинг барча параметрларини ақс эттирган Қабул комиссиясининг баённомаси тузилади, унда:

- талабанинг фамилияси, исми, отасининг исми;
- СТИР;
- мутахассислиги;
- Академия томонидан белгиланган тартибда бошқа зарур маълумотлар кўрсатилади.

Қабул комиссияси баённомасига биноан, Академия талабага ёки унинг қонуний вакилига кўчирилаётган олий ўқув юртига кириш учун бакалавриятнинг учинчи босқичига қабул қилинганлиги тўғрисида Қабул баённомасидан кўчирма беради. Кўчирма электрон шаклда, кейинчалик аслини почта орқали олувчига юборилиш таъминланиши мумкин.

16. Академияга ўқишга қабул қилинган иқтидорли талабаларга қуйидаги таклифлар берилиши мумкин, жумладан:

- Академияда ўқиш учун тўлиқ грант;
- мутахассислик бўйича 0,5 ставка бўйича иш таклифи;
- раҳбарнинг шахсий мураббийлиги;
- карьера бўйича шахсий режалари;
- таълим кредити (имтиёзли шартлар билан).

17. Қабул комиссиясининг қарорига асосан Академия ректорининг қабул тўғрисидаги буйруғи чиқарилади ва талабанинг илгари таҳсил олган ўқиш жойига сўров юборилади.

Сўров қабул қилингандан кейин 10 кун ичида талабалар сафидан чиқариш тўғрисидаги буйруқ билан бирга, шахсий жилд (рўйхат билан бирга) Академияга юборилади ёки талабанинг ёзма аризасига биноан талабанинг қўлига топширилади.

Талаба илгари таҳсил олган олий ўқув юртида гувоҳномасини, рейтинг дафтарчасини, ўқув картасини, шунингдек бошқа тегишли ҳужжатларининг нусхаларини қолдиради.



18. Шахсий жилди қабул қилиниб, шартнома имзолашгандан кейин Академия ректорининг талабаларга белгиланган тартибда дарсларга катнашишга рухсат бериш тўғрисидаги буйруғи чиқади.

Юридик шахс билан шартнома асосида ўқиётган талабаларни ўқишга кўчириш юридик шахс раҳбарининг розилиги билан амалга оширилади.

19. Зарур ҳолларда Академия ректори талабанинг шахсий жилди ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш талаби билан талаба илгари таҳсил олган олий ўқув юртига муурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

20. Академияда ўқиш учун кўчирилган талабанинг шахсий жилдига ўқишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги буйруқ нусхаси тикиб қўйилади.